

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати магистратура  
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент молия институти;

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 -сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418 -сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иктисад таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш хуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдир.

## МУНДАРИЖА

<b>T/p</b>		<b>бет</b>
1.	<i>5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати магистратура мутахассислигининг умумий таснифи .....</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<i>5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи .....</i>	4
1.2.1.	<i>5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i>	4
1.2.3.	<i>5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</i>	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
2.3.	Касбий квалификациялар.....	8
3.	<i>5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	8
3.1.	<i>5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	8
3.2.	<i>5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми.....</i>	8
	Библиографик маълумотлар.....	9

## **1. 5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи**

**5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шакларида амалга оширилади. 5A230701 – Банк иши ва аудити магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шакларида амалга оширилади. Барча таълим шаклари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлик ўзлаштирган, магистрлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган талабага «магистр» даражаси хамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидағи расмий хужжат(лар) - тегишли мутахассислик бўйича квалификацияси киритилган «диплом» иловаси билан берилади. Иқтисод таълим соҳасининг магистратура таълим мутахассисликларининг битирувчилари таянч докторантурा, докторантурा ёки мустақил изланувчилик институтларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

#### **1.1.1. 5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

• магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

• магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

• таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

• олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

• олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

• кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган баклавриат битирувчилари ва бошка манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи**

##### **1.2.1. 5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

**5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати** – иқтисодиёт соҳасидаги мутахассислик бўлиб, барча таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида, марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органларида бюджет ҳисоби ва назоратини ташкил этиш ва бошқаришга оид комплекс масалаларни ҳал этиш, шунингдек бюджет тизими бюджетлари ижроси бюджет ҳисоби ва назоратини ташкил этиш, бюджет ҳисоби ва назорти бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориши, истиқболини белгилашга, касбий кўнникмага, мутасаддилик кобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усувлари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

##### **1.2.2. 5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг обьектлари:**

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- бюджет ташкилотларининг ривожланиши стратегиясини ифодаловчи ҳисобот кўрсаткичлар тизими;
- бюджет ташкилотларида бухгалтерия балансини тузилиши, кўрсаткичларни шакллантириш жараёнлари;
- бюджет ташкилотларининг молиявий натижалар ҳисоби ва унинг назорати жараёнлари;
- бюджет ҳисоби ва назорати соҳасида илмий ва амалий тадқиқот, назарий ва амалий таҳлил, моделлаштиришни амалга ошириш жараёнлари;
- ижтимоий-иктисодий жараёнлар ва ҳодисаларни, мирко ва макро иктисодий маконда назорат кўрсаткичларининг таҳлили жараёнлари.

**1.2.3. 5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- ҳисоб ва назорат фаолияти;
- ҳисоб ва ахборот тизими фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

**1.2.4. 5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

**5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати** мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

**Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:**

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маъruzalар, рисола, ўкув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуклар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўкув-услубий фаолият юритиш;
- ўкув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўкув машгулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўкув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

**Бюджет ҳисоби ва назорати фаолиятида:**

- бюджет ташкилотларида ҳисоб ва назоратни тўғри ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- бюджет ҳисобининг миқдор ва сифат меъзонлари иқтисодий тизим ва обьектлар чегаравий ҳамда критик ҳолатининг индикаторларини аниқлаш;
- бюджет ҳисоби ва назорати соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;
- бюджет ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;
- бюджет тизими ва бюджет параметрлари, бюджетдан ташқари турли жамғармаларнинг шаклланиши ҳамда бажарилишини ҳисобини юритиш ва назорат қилиш;
- бюджет ташкилотларининг молиявий маблагларини мониторингини олиб бориш, давлат ва маҳаллий ташкилотлар, корхоналарда ички назорат ва аудит тизимининг самарали фаолият кўрсатишини баҳолаш.

**Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- молия органлари, газначилик бўлинмалари, бюджет ташкилотлари, Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш ишларини бошқариш ҳамда мувофиқлаштириш;
- бюджет ташкилотларининг ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- бюджет ташкилотларининг ҳисбот фаолиятини режалаштириш, таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, ҳуқуқий ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- режа, ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш ва назорат ишларини олиб боришда самарадорликни аниқлаш;
- қабул қилинадиган қарорларни бюджет ҳисботи, ижтимоий-иктисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари варианtlарини ишлаб чиқиша ҳамда танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш, тезкор ва статистик ҳисботни олиб боришни ташкил этиш, ҳисботларни тузиш тартибларини аниқлаш;
- назорат ва тафтишни ташкил этиш ва ўтказиш ишларини бошқариш ҳамда мувофиқлаштириш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарнинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва амалга ошириш.

## **2. 5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қилиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, кайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўнималарига эга бўлиши;

- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- бюджет тизими бюджетларида бюджет ҳисобини ташкил этиш ва назоратни амалга ошириш;

- давлат ва давлат мақсадли жамғармалар бюджетларини тузиш ҳамда уларнинг ижроси ҳисобини юритиш ва назоратини амалга ошириш;

- давлат ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш;

- давлат ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижросига оид ҳисботларни тузиш ва уларнинг ахборотларини тизимлаштирган ҳолда таҳлил қилиш;

- бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш;

- бюджет ташкилотларида сметалар ва штатлар жадвалини тузиш ҳамда уларнинг ижроси ҳисобини юритиш ва назоратини амалга ошириш;

- бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби обьектларини ҳисобни юритиш ва уларнинг назоратини таъминлаш;

- бюджет ташкилотларида молиявий ҳисботларни тузиш ва уларнинг ахборотларини таҳлил қилиш;

- бюджет тизими бюджетлари ижроси ҳисоби ва назоратини ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиши лозим.

- талаба давлат ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси ҳисобини ташкил этиши ва юритиши;

- давлат ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлар ва харажатлар газна ижроси ҳисобини юритиш ва назоратини таъминлаш;

- давлат ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси жараёнида бюджет ссудалари ва қарз муносабатларини тартибга солиш;

- давлат ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижросига оид ҳисботларни тузиш ва уларнинг ишончлилигини таъминлаш;

- бюджет ташкилотларида бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш таъминлаш учун уларнинг ҳисобини юритиш ва назоратини йўлга қўйиш;

- бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларнинг сарфланишида уларнинг ҳисобини юритиш ва назоратини амалга ошириш;

- бюджет ташкилотларида молиявий ҳисботларни тузиш ва уларнинг ишончлилигини таъминлаш;

- ўкув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;

- электрон ўқитиш усулларини эгаллаш;

- олий ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўкув машғулотларини ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўкув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича ўкув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўкув-меъёрий

хужжатларни ишлаб чиқиш;

- мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойихаларини таҳлил қилиш;
- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойихалари мавзуси бўйича бўйича моделлар, алгоритмлар, методларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш;
- намунавий методикалар бўйича тадқиқотлар ўтказиш натижаларини қайта ишлаш;
- илмий ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиши, реферат ва библиографияларни тузиш;
- илмий мақола ва тезислар тайёрлаш.

### **2.3. Касбий квалификациялар**

Молия органлари ҳисобчиси, бюджет ташкилотлари бухгалтери, давлат мақсадли жамғармаларни тақсимловчи органлар ҳисобчиси, молия органлари назорат-тафтиччиси, газначилик ишлари бўйича мутахассис, бюджет ташкилоти иқтисодчиси, бюджет ташкилотлари ички аудитори, режа-молия бўлими мутахассиси квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

### **3. 5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

#### **3.1. 5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўкиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Умумметодологик фанлар”, “Мутахассислик фанлари”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

#### **3.2. 5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қўйидагicha тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*
Назарий таълим ва илмий фаолият	54%
Шу жумладан, мустақил таълим	-
Аттестациялар	9%
Таътиллар	18%
Илмий амалиёт (стажировка)	19%

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурух Т 55

OKC 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), бюджет ҳисоби, бюджет ҳисобининг стандартлари, бюджет ҳисоботи, бюджет назорати, бюджет ташкилотлари, бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджетнинг ғазна ижроси, давлат сектори, давлат мақсадли жамғармалари, молиявий назорат, назорат ва тафтиш, давлат бюджети, смета, халқаро стандарт, ўқиб ўрганиш натижалари, ўқув даври, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, рақобатбардошлиқ, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари, ҳуқук-тартибот, эксперт хизмати, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, маҳсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим  
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент молия институти**

Ректор в.в.б.  С.Мехмонов

М.Ў.




2020 йил «23» 07

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази**

Директор

 З.Хакимов

2020 йил «23» 07

**Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги хузуридаги Бюджет-солиқ  
тадқиқотлари институти**

Директорининг биричи  
ўринбосари

 Д.Пулатов

2020 йил «23» 07

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлиги**

Бошқарма  
бошлиғи

 Ж.Шокиров

2020 йил «23» 07

М.Ў.

**Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети**

Ректор

 К.Шарипов

2020 йил «23» 07

М.Ў.

**Тошкент шаҳар газначилик  
бошқармаси**

Бошқарма  
бошлиғи

 М.Заринов

2020 йил «23» 07

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ  
хўжалиги вазирлиги**

Бошқарма бошлиғи  
ўринбосари

 Ш.Жониколов

2020 йил «23» 07

М.Ў.

**Тошкент молия институтининг 5A230903 – Бюджет ҳисоби ва  
назорати магистратура мутахассислигини малака талабини ишлаб  
чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

**КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

**Тошкент шаҳри**

**“ ” 2020 й.**

Биз, қуида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Ж.Шокиров, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Б.Раджобов, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти директорининг биринчи ўринбосари Д.Пулатов, Тошкент шахар ғазначилик Бошқарма бошлиғи М.Зарипов ва Тошкент молия институти ўкув ишлари бўйича проректори А.Туйчиев, мазкур келишув далолатномасини қуидагилар ҳакида туздик.

1. 5A230903 – *Бюджет ҳисоби ва назорати магистратура мутахассислиги малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва ракамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти, Тошкент шахар ғазначилик Бошқарма бошлиғи ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.*

2. Юқорида номи қайд этилган малака талабларини ишлаб чиқиша турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва хисботи бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солик тадқиқотлари институти, Тошкент шахар ғазначилик Бошқармаси мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. 5A230903 – *Бюджет ҳисоби ва назорати* магистратура мутахассислиги малака талаблари кадрлар истеъмолчилари – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тошкент шахар ғазначилик Бошқармаси мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талабларини мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

4. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда мазкур малака талабини ўқув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги  
Бошқарма бошлиғи



Ж.Шокиров

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
Бошқарма бошлиғи ўринбосари



Ш.Жониқулов

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ҳузуридаги  
Бюджет-солик тадқиқотлари  
институти директорининг  
биринчи ўринбосари



Д.Пулатов

Тошкент шахар ғазначилик  
Бошқарма бошлиғи



М.Зарииев

Тошкент молия институтин  
ўқув ишлари бўйича проректори



А.Туйчиев

**Тошкент молия институтида тайёрланаётган**

**5A230903 – Бюджет хисоби ва назорати магистратура мутахассислиги учун  
янгидан яратилиладиган киритиларига кўйиладиган кадрлар истеммолчиларининг битирувчилар  
касбий фаолиятларига кўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

<p><b>Г/р</b></p> <p><b>Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат тълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)</b></p>	<p><b>Базирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат тълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)</b></p> <p><b>Вазирлик (идора)нинг тълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига кўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)</b></p>	<p><b>Битирувчи куйидаги касбий компетенция ва юбилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бюджет хисоби ва назоратни ташкил этиш бўйича илмий-тадқикот ишларини амалга оширишда катнашиш;</li> <li>- бюджет хисоби ва назорати соҳасига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютукларини, маҳсус аданбийётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;</li> <li>- бюджет ижросига оид хисоботларни шакллантириш ва уларни ахборот имкониятларини тахлил этиши;</li> <li>- интернет тармогидан энг янги илмий-техник ютуклар хакидаги маълумотларни тўплайди ва тахлил килиш;</li> <li>- илмий-тадқикот натижаларини амалийта кўллаш;</li> <li>- бюджет хисоби ва назорати соҳаси фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чикиш ва татбиқ килиш;</li> <li>- бюджет хисоби ва назорати соҳасида жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган стратегияларни режалаштириш;</li> <li>- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш, улардан фойдаланиш билан боғлик бўлган жараёнлар мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари хамда механизмларини ишлаб чикиш;</li> <li>- бюджет хисоби ва назорати соҳасида фаолият кўрсатиш ва улар фаолиятининг халкаро хамда миллӣ талабларига мос келиши борасида жараёнларни назорат килиш;</li> <li>- қасбга оид муаммолар ечимларини амалийта татбиқ этиш;</li> <li>- фикрлар хар хил бўлган шароитда бошқарув карорини кабул килиш;</li> <li>- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат килиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;</li> <li>- бюджет хисоби ва назорати соҳасининг халкаро хамда миллӣ мослигини мониторинг килиш;</li> <li>- бюджет хисоби ва назорати соҳаси фаолиятини режалаштириш ва унинг санаадорларигини</li> </ul>

		<p>оширишнинг ички имкониятларини кидириб топиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бюджет хисоби ва назорати соҳаси фаолиятини бошқаришининг замонавий муаммолари ва хусусиятларини аниқлаш, улар фаолиятини бошқаришининг замонавий ўналишларини ишлаб чиқиш;</li> <li>- бюджет хисоби ва назорати соҳаси фаолиятини ташкил килиш, баҳолаш ва улар билан боғлик рискларни бошқаришда замонавий методларни кўллаш;</li> <li>- бюджет хисоби ва назорати соҳасида хужожатларни расмийлаштириш ва умумлаштириш,</li> </ul> <p>молиявий хисобботларни шакллантириш замонавий методларни кўллаш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бюджет хисоби ва назорати соҳасида жараёнларни хисобга олишда, молиявий-хўжалик фаолияти ва замонавий фундаментал ва техник анализлардан фойдаланиш;</li> <li>- бюджет хисоби ва назорати соҳаси фаолиятини тахлил килиш;</li> <li>- назорат ва тафтишни ташкил этиш ва ўтказиш ишларини бошқариш замонавий мувофиқлаштириш;</li> <li>- бюджет хисоби ва назорати бўйича илмий-тадқикотларни ўтказиш ва янги илмий хамда амалий натижаларни олиш.</li> </ul>
--	--	---

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ тъзими вазирлиги  
Бошқарма бошлиги



Ж.Шокиров

Ўзбекистон Республикаси  
Кишлоқ хўжалиги вазирлиги  
Бошқарма бошлиги ўринbosari



Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги хузурлаки  
Бюджет-солик тадқиқотлари  
институти директорини  
биринчи ўринbosari



Д.Пұлатов



М.Зарипов



**5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати мутахассислигининг  
малака талаби ишлаб чиқилишиға**

**ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

*5A230903 – Бюджет ҳисоби ва назорати мутахассислигининг малака талабини ишлаб чиқиша куйидаги меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга асосланади:*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги З-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2015 йил 15 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг З-сонли Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 12-сонли Буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “Олий таълиммуассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини такомиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли Буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 марта “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва

рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июнданги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2020 йил 20 июнданги “2020-2021 ўқув йилидан таълим жараёнини кредит-модуль тизимига ўтиши тўғрисида”ги 357-сонли Буйруғи.

Малака талабини ишлаб чиқиша магистратура мутахассислиги битиувчилариға кадрлар истеъмолчилар томонидан қўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Махкамасининг қарор-фармонларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим оловчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий қўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуклари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим оловчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим оловчилар ва битиувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқиша мухим аҳамият касб этди

5A230903 – *Бюджет ҳисоби ва назорати* магистратура мутахассислиги тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илгор меъёrlари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқиша мамлакат ижтимоий-иктисодий тарақиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютиклари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан

келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, давлат талим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйгунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

Тошкент молия институти  
“Бюджет ҳисоби ва ғазначийлик иши”  
кафедраси мудири, и.ф.д., проф.



И.Қўзиев

5 А 230903– Бюджет хисоби ва назорати магистратура мутахасислиги бүйича чег эл малака  
талаабларидағи фанлар рүйхати

№	MIF (Master in Finance) London Business School (Бұтқы Британия)	Nagoya университети (Япония)			The university of Belgrade International Masters of Quantitative Finance (IMQF) Белград университети		
		Амалдагы ўкүв режаси бүйича блокларнинг номлари	Юқлама Соатда %	Амалдагы ўкүв режаси бүйича блокларнинг номлари	Фан сони Соатда %	Юқлама Соатда %	Амалдагы ўкүв режаси бүйича блокларнинг номлари
1	Бухгалтерия хисоби ва молиявий таҳлил	4	400	Молиявий асослар	800		Бизнес
2	Бюджет тизими назорати	4	400	Математика	800		Иктисодиёт
3	Давлат молияси	4	400	Иктисодиёт	800		Давлат молияси
4	Хорижий мамлакатлари молия тизими	4	400	Давлат молиясини бошкариш	800		Халкаро иктисодиёт
5	Халкаро молия институтлари	4	400	Молиявий хисоб	800		Бухгалтерия
6	Халкаро иктисодиёт	4	400	Халкаро молия	800		Бюджет тизими
	Жами	6	2400		6	4800	6 3600



Ташкент молия институти “Бюджет хисоби  
ва ғазначилк иши” кафедраси мұддери  
И.Кўзиев